Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24318630

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallar to'plami *Andijan 2023 yil 10-noyabr*

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ РИВОЖИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.

Тўланов Мамасидиқ –Андижон машинасозлик институти, "Гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси.
Абдурашидова Х. 3-курс "МЯМТ" йўналиши талабаси.

Аннотация.Ушбу мақолада маънавият тушунчасининг илмий фалсафий тушунчалари шунингдек инсон маънавий камолотини қарор топширишда кишиларнинг,маънавий фазилатлари,дунёқараши,мафкуравий эътиқоди билан боғлиқ бўлган омиллар тахлил этилган.
Калит сўзлар. Маънавият, маърифат, дунёқараш, жамият, ғоя, адолатли, сиёсат, иқтисодиёт, хуқуқ, бурч, стратегия.

Маънавият тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтиришимиз мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳарқайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.[1.55]

Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тузумидан воз кечиб, жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб авайлаш ва янада мустаҳкамлаш асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этишга азму қарор килдик[2].

Муҳтарам биринчи президентимизнинг қуйидаги, инсон дилини миллий озодлигимизни тараннум этишга чорловчи қуйидаги сўзлари эътиборга моликдир: "Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир".

Жамият ривожланиши, адолатли, сиесий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар ўрнатиш билан боглиқ бўлган ҳар қандай ғоя режа тараққиёт қонунларини яхши билган, истиқбол вазифаларини тўғри, тўла тасаввур этишга қодир бўлган доно - дахолар онгида, фикрида етилади. Истиқболни тасаввур эта олган ҳар қандай инсон ёки донишманд бир ўзи барча вазифаларни бажара олмайди. Бу вазифаларни бажариши учун у халққа таяниши, ўз ғояларини, ўй-фикрларини халқнинг онгига сингдириши, унга

Published: 10.11.2023
Cite this article: Тўланов Мамасидиқ, Абдурашидова Х. (2023). Жамият тараққиёти ривожида инсон маънавий камолоти. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24318630
© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

етакчилик қилиши лозим.

Янги ғояни мақсадни англаш, унга асосланиш учун оддий истаккина эмас, балки муайян маънавий савия ҳам керак. Бу савияни шакллантириш аниқ тарбиявий, маърифий ишларнинг мақсади кишиларни мавжуд шароитлар ва вазиятга мослаштириш эмас, балки истиқбол учун курашга фаолликка сафарбар этишдир.

Жамият тараққиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча қирралари ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади.

Маънавий камолотнинг барча қирраларини ўзаро боғлиқлиги, улар бир-бирига бевосита ёки билвосита таъсир этиб туриш асосида юз беради.

Мустакил Ўзбекистонда ҳам бугунги кунга келиб жамият тараққиёти ва уни амалга ошиши учун керак бўлган маънавиятга катта эътибор берилмоқда. Маънавиятни юксалтириш, таълим-тарбия ишлари тизимини яхшилаш Ўзбекистонда давлат рахбаримизнинг адолатли ва инсон манфаатларини кўллаган ҳолда амалга ошираётган сиёсатларининг асосий йуналишига айланиб бормоқда. Юртбошимиз рахнамочилигида томонидан маънавиятни юксалтиришга маърифий-тарбиявий ишлари кенг кўламда амалга оширишга катта эътибор берилаётганлигини сабабли юртимизда катта оммавий тартибсизликлар миллий адоват, қон тўкишлар йўқ. Юртимиздаги ижтимоий сиёсий барқарорлик, мустақиллигимизни мустаҳкамлашига, кўплаб иқтисодий - сиёсий барқарорликни аста секин, изчиллик билан амалга оширишга замин бўлмоқда.Бу хол жамият маънавиятининг узига хос янги тизими шакилланишига олиб келмоқда.Бу вазифани тўғри тушуниш, ақл-идрок билан узоқни кўриб иш қилиш, истиқлол ва истиқболимиз учун мухим аҳамиятга эга. Инсон онгги уни ўз - ўзини англашини ҳам ифодалайди. Инсоннинг моҳияти унинг жисмоний борлиғи билан эмас, балки маънавияти билан боғликдир . Демак маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавиятсиз маърифатли, ривожланган жамият ҳам бўлмайди. Чунки кишилар маънавиятида янгича фикрлаш бўлмаса, таъбир жоиз бўлса, онгида ислохот қилмай туриб, сиёсий-ислохотлар амалга ошиши қийин кечади ва ўйлаган мақсадларига эришиб бўлмайди.

Ҳар бир жамиятнинг инсон камолотининг у ёки бу босқичига хос бўлган иймон .эътиқоди, ахлок одоби, тажриба ва малакасини ўз ичига олади кишиларнинг фаолияти, истеъдоди ва қобилияти юриш-туришида намоён бўлади Кишиларнинг маънавий фазилатлари, дунёқараши мафкуравий эътиқоди билан боғланиб муайян тартибга тушади ва уларни бевосита таъсири натижасида жамият олдидаги вазифаларини англашга ёрдам беради. Инсоннинг маънавий камолоти имкониятлари чексиздир. Бу чексизлик инсоннинг табиати, у яшаетган жамиятнинг имкониятлари билан белгиланади. Жамият тараққиёти жараёнида такомиллашиб, кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ахлокий - хукукий бурч ва маъсулияти билан боғланган маърифатлар маънавий камолотнинг янги муаммоларини келтириб чиқараверади. Муайян оқилона манфаатнинг

чегарасидан иккинчисига тадрижий йўл билан ўтавериш маънавият тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир.

Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун, миллати, тили ва динидан қатьи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бу – халқимизнинг асрий анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кўр-кўрона нусха кўчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир.

Ушбу стратегик мақсадлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик асосий вазифаларимиздандир.

Адабиётлар.

1.Каримов И.А Юксак маънавият енгилмас куч .Тошкент 2008 йил 18 бет

2.Каримов И А Она юртимиз бахту камоли ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир .Т 2015 йил 123 бет.

3.Б.Очилова Миллий –маънавий юксалишда мерос ,қадриятлар ва ворисийлик.Т 2009 йил.

4.Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри.